



МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Baxodir Raxmanov

Toshkent amaliy fanlar universiteti dotsenti, PhD

Насиба Юнусова

Тошкент давлат транспорт университети.ф.ф.н., доцент

Аннотация: *Инсониятнинг кўп асрлик тарихида миллий давлат қуришга интилган ҳар бир халқ ўз олдига қўйган юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда миллатни бирлаштириш ва сафарбар қилишда миллий ғоя таянч эканлигига алоҳида эътибор берган.*

Таян сўзлар: *таълим-тарбия, ғоя, қадрият, деидеологизация, миллий ғоя, концепция, идеал, мафкура, маънавият, интеллектал салоҳият.*

Annotation: *Throughout the centuries-long history of humanity, every nation striving to build a national state has paid special attention to the national idea as a foundation for achieving high goals, uniting the nation, and mobilizing it on this path.*

Keywords: *education and upbringing, idea, value, de-ideologization, national idea, concept, ideal, ideology, spirituality, intellectual potential.*

Аннотация: *На протяжении многовековой истории человечества каждый народ, стремящийся к построению национального государства, уделял особое внимание национальной идее как опоре для реализации поставленных высоких целей, объединения и мобилизации нации на этом пути.*

Ключевые слова: *образование и воспитание, идея, ценность, деидеологизация, национальная идея, концепция, идеал, идеология, духовность, интеллектуальный потенциал.*

Янги Ўзбекистон давлатининг юксак тараққиёт босқичларига эришишидан бу ерда яшаётган кишиларнинг ҳаммаси манфаатдордир. Ўзбекистоннинг бугунги ва келгуси тараққиёти, кўп жиҳатдан, ўзбек халқининг маънавий-интеллектал салоҳиятига боғлиқ. Бу мамлакатда истиқомат қилаётган турли халқ ва элатларнинг маданий-маънавий тараққиёти ўзларининг миллий-маънавий қадриятларига таянади ва шу асосида





ривожлантирилади. Ўзбек халқининг бир неча асрлик тарихи, тили ва дини, ментал хусусиятларига доир маънавияти барча фуқароларимиз томонидан кенг ўрганиб, ўзлаштириш, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиб, янада ривожлантириш зарур. Бу ишларнинг барчаси Ўзбекистоннинг янги миллий ғоясини ривожлантириш билан амалга ошади.

Ғоя — бу концепция, тасаввур ва у нафақат объектив воқеликни акс эттиради, балки одамларни пировард мақсадга, масалан, ватан равнақига эришиш учун уни ҳаракатга келтиради. Ғоя кўпчилиқни қамраб олганда, у улкан кучга эга бўлади ва нафақат воқеалар ривожини ўзгартириши, балки олдинги ғояларни ағдариши, тафаккур стереотипини ўзгартириши ва одамлар онгида ўзгариш ясаши мумкин. Аммо мафкура кўп сонли ғоялардан келиб чиқиб, тизимга айланганда, одамларни пировард мақсадга эришишга йўналтира олади. “Миллий ғоя эса халқнинг олий мақсадлари, идеаллари, эркинликка ва тараққиётга интилишининг мужассам ифодаси сифатида миллий маънавиятнинг моҳиятли ўзак тушунчасини ташкил этади”.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихида миллий давлат қуришга интилган ҳар бир халқ ўз олдида қўйган юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда миллатни бирлаштириш ва сафарбар қилишда миллий ғоя таянч эканлигига алоҳида эътибор берган. Бу ҳақида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов шундай деган эдилар: “Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”.

Инсоният бошидан кечирган ва ҳамон давом этаётган маънавий инқироз, бошбошдоқлик, бегоналашув, миллий ўзликнинг йўқолиб бориши каби муаммолар ХХI аср бошида асосий муаммо инсоннинг ижодий маънавий моҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган мафкура бўлиши кераклигидан дарак беради. “Жамият ҳаётида дунёвий ва диний омиллар ўртасидаги соғлом мувозанатни тўлиқ таъминлашга ёрдам берадиган, кучли тарбиявий салоҳиятга эга ва халқимиз маънавиятини асрлар мобайнида мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар, азалий анъана ва урф-одатларнинг қадрсизланишига, деидеологизацияга йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Дунёқараши кенг, маънан





баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда”.

Бу каби маънавий инқирозли ҳолат фақатгина постсовет маконини эмас, балки бутун ер куррасини қамраб олган бўлиб, пироврдида мафкуравий муаммолар, маънавий инқироз ва беқарорлик билан ўзини намоён қилмоқда. Айни пайтда тобора такомиллашаётган инсон хилма-хил ижтимоий вазифаларни адо этишга тайёрланмоқда.

Маълумки, кишиларнинг ўзаро муносабати инсоннинг, ҳар бир ёш йигит-қизнинг яшаши, камол топиши учун асосий шарт-шароит ва усул ҳисобланади. Инсон, туғилган кунидан эътиборан, ким уни вояга етказган бўлса, унинг ҳаётий қобилиятларини ривожлантирган бўлса, улардан ажрала олмайди. Ёш бола етук инсон бўлиши учун ўзининг атрофидагилар билан мулоқотда бўлади. Муомала жараёнида ёшларда қобилият, дунёқараш, эътиқод шаклланади. Дунёқараши кенг, маънан баркамол инсонни шакллантиришга хизмат қиладиган ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда.

Шу жиҳатдан, жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари аллақачон ўтган ва самарали тажриба тўплаган, уларнинг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган ғоявий янгиланиш босқичининг Ўзбекистонга хос қуйидаги устувор йўналишлари ва долзарб вазифаларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак:

- мамлакатимизнинг янги, демократик қиёфасини яратишда ғоявий-маънавий омиллар таъсирини ошириш;
- янги маънавий маконни барпо этиш;
- таҳдидларга қари тура оладиган фуқаролик жамиятининг мафкуравий асосларини кучайтириш;
- фуқароларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш.

Демак инсон ўз фаолияти давомида тарбияланади, шаклланади, хусусан, ғоявий- маънавий жиҳатдан тарбияланади. Ғоявий-маънавий тарбия эса ёшларни Янги Ўзбекистон, халқпарвар давлат, Ўзбекистон фуқароси, ижтимоий адолат, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ҳақидаги ғоя, тушунча, дунёқараши, эътиқодини шакллантиради. Бу шундан далолат берадики, ёшлар ўртасида ғоявий тарбия олиб бориш ҳозирги давримизнинг муҳим вазифаларидан биридир.





REFERENCES:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси –Тошкент, Ўзбекистон, 2021. –Б. 267
2. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. -Тошкент.: Маънавият, 2002. - 24 б.
3. Шадже, А. Ю. Национальные ценности и человек (социально-философский аспект) / А. Ю. Шадже. -Майкоп : Изд-во Адыгейского гос. ун-та, 1996. - 168 с.
4. Шелер, М. Положение человека в космосе [Электронный ресурс] / М. Шелер. - Режим доступа : http://www.krotov.info/libr_min/25_sh/el/er3.html
5. Вебер, М. Избранные произведения / М. Вебер ; пер. с нем. ; сост., общ.1. Вебер, М. Избранные произведения / М. Вебер ; пер. с нем. ; сост., общ. ред. и послесл. Ю. Н. Давыдова ; предисл. П. П. Гайденоко ; коммент. А. Ф. Филиппова. - М. : Прогресс, 1990. - 602 с.
6. Каримов И.А. Ўз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурағимиз. Биз келажигимизни ўз қўлимиз билан қурағимиз. Т. 7. -Т.: Ўзбекистон, 1999.-Б. 309.
7. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилиги маданияти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.-Б.11
8. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. -Т.: Ўқитувчи, 1994. - 13 б.
9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тарққийёт йўлида. Т. 6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.-Б. 331.
10. Юнусова Н. Ш., Журабоев Н. Ю. The Spiritual Foundations of the Teacher-Student Traditions. Miasto Przyszłości. -541545, 2025-yil. Vol. 58 (2025): Miasto Przyszłości +62 811 2928008
11. Юнусова Н. Ш., Журабоев Н. Ю. YANGI O‘ZBEKISTON, YANGI TADQIQOTLAR JURNALI. -320-326, 2025-yil. <https://phoenixpublication.net/>
12. Юнусова Н. Ш., Eshankulova J. THE ROLE OF VALUES IN EASTERN EDUCATION INTERNATIONAL BULLETIN OF APPLIED SCIENCE AND TECHNOLOGY. -258-261, 2025-yil. ISSN: 2750-3402
13. Юнусова Н. Ш., Рахмонбердиева Н.Б. Информационно-психологическая безопасность и массовая культура в современном глобальном процессе. Фалсафа ва ҳуқуқ. -159-162, 2024-yil.
14. Юнусова Н. Ш., Учения бахауддина накшбанди наследия тюркского народа. «взаимовыгодная интеграция тюркских государств- гарантия устойчивого развития» международная научно-практическая конференция. - 455-461, 2024-yil. <https://tstu.uz/>
15. Nosirov R. A., Yunusova N. Sh., Nazarova N. J. OCCUPATIONAL PROBLEMS IN YOUTH COMPETITIVENESS. Problems in the Textile and Light Industry in the Context of Integration of Science and Industry and Ways to Solve Them AIP Conf. Proc. 2789, 040097-1–040097-4;

